
“Ёшлар ойлиги” доирасида Ўзбекистон туманида 25 июнь куни беғараз донорлик акцияси ўтказилади

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 25 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ёшлар кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ 30 июнь - Ўзбекистон Республикаси ёшлар куни муносабати билан 25 июнь, пайшанба куни соат 8:00 дан 13:00 га қадар Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникасида (**манзил: Яйпан шаҳар, Ғалаба кўчаси 45-уй**) беғараз донорлик акцияси ўтказилади.

Тадбирни ўтказишдан мақсад тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, инсонларни кўнгилли равишда қон топширишга чақириш орқали беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳроқибат ғояларини кенг тарғиб қилишга қаратилган.

Донорлик тартиби бўйича эслатма:

1. 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролар фуқаролик паспорти билан иштирок этиши;
2. 1 кун аввал аччиқ, шўр маҳсулотлар, спиртли ва газли яхна ичимликлар истеъмол қилмаслиги;
3. Донор бўладиган кун эрталабки нонуштада тухум, ёғ ва сут истеъмол қилмаслиги;
4. Донор сўнгги 6 ой ичида чет элда бўлмаган бўлиши лозим;
5. Гепатит касаллигига чалинмаганлиги ва “D” рўйхатда турмаслиги талаб этилади.

Қўшимча маълумот учун:

+99890 565 10 56

+99891 285 63 63

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-06-23 16:58:04